

Сергел тумани меҳнат биржасида 1993 йил давомида ишсиз мақомини олган 264 кишига 5 миллион сўмдан кўпроқ пул тўланди. Бу ерда 2901 та, режадагидан 101 та кўп иш жойи ташкил этилди. Бу йил ҳам биржа одамларини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Меҳнат биржаси директорининг ўринбосари Валентина Болотова билан суҳбатимиз ҳам ташкилотнинг ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида бўлди.

— Валентина Прокофьевна, ишсизларни ва янги иш жойларини ташкил этишда асосан нималарга эътиборин қаратасизлар?

* Тадбиркорлик —

бозор талаби

ИШ ЖОЙЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

— Жамоамизда ҳар бир киши ўз вазифасига сийдирилган ёндоқлар ҳолда меҳнат қилаётганини туйибди. Туманида ишсизлар сони бирмунча камайиб бормоқда. Бунда, албатта, факат биз эмас, бизларнинг тақлиб ва ишқорларнинг қўллаб-қувватлаётгани. «Иш билан бандлик» дастурини амалга ошираётган киши, шахсий хусусий ва давлат корхоналари, фирмалар, ширкатлар раҳбарларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Қайси ташкилот ёки корхонага қандай мутахассисликда ишчи керак бўлса энг аввало бизларга мурожаат этишди. Ёки бўлмаса вақти-вақти билан ўтказиб турадиган семинарларда ўз тақлибларини баён этишди. 1 февралга қадар 1542 та бўш иш жойи борлиги аниқланган. Шундан 529 таси хизматчилар, 1013 таси ишчи ўринларидир. Ёил бошидан бери биржамизга 200 дан зиёд ишсиз мурожаат этиди. Уларга жойларда бўш иш ўринларини тақлиб қилиш билан бирга бошқа соҳада қайта ўқишни ҳам маслаҳат бермади. Ўқишлар 2—3 ойлик бўлиб, турли касб эгаси бўлиши мумкин. Дарслар туман ўқув марказида олиб борилади.

— Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай тадбирлар қилинган?

— Ишга жойлаштириш ҳоҳлаган ва жойлаша олмаётган фуқароларга ердан учун алоҳида ҳайъат ташкил қилинган. Унинг аъзолари томонидан кўриб чиқилган шахслар ишсизлик мақомини олишди. Январ ойида 39 фуқаро ишсизлик нафақасини олишди. Улар учун 1.346.220 сўм-купон маблағ акрәтланди.

Бундан ташқари ишсизларни ҳимоя қилиш мақсадида уларни тезроқ иш билан таъминлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйганмиз.

Туман ҳокимининг фармоишига асосланиб 13 та корхонада 81 та иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек тумандаги маҳаллалар оқсоқолларининг ёрдамлари катта бўлмоқда. «Қўшқорон», «Еркин ҳаёт», «Баҳор», «Чоптепа», «Иттифок» маҳаллаларида биржа ходимлари билан ўзаро мулоқотлар ўтказилиб, «Аҳолини иш билан таъминлаш» қонуни тушутириб боришмоқда. Бу ерларда кичик ва шахсий корхоналар очилиб, шу маҳалладаги ишсиз ёшлар, кўп болали оилаларнинг ишга лавқатлилари иш билан таъминланмоқда.

1994 йилда туманида 2500 та иш жойини ташкил қилиш қўзда тутилмоқда. Жумладан: жорий қурилиш ҳисобига 90, қайта таъмирлаш ва кенгайтириш ҳисобига 182, кичик корхоналар очиш ҳисобига 120, «Иш билан бандлик» жамғармаси ҳисобидан 258, «Еркин ҳаёт» маҳалласида жойлашган «Лео» фирмасини кенгайтириш ҳисобига 28 та иш жойлари ташкил этилиб, ишсизлар иш билан таъминланадиган. Шунингдек биржа ходимлари томонидан «Иттифок» маҳалласида 30 нафар ишсизга мўлжалланган кичик корхона ташкил қилиш ишлари жадал боришмоқда.

Гуззода МАМБЕТОВА
суҳбатлашди.



Республикамизда тиш ювиш воситаларига бўлган эътиб жуда катта эканлигини тушуниган «Пола» ула-отторлик фирмаси ишчилари ҳам ашёнинг қамлигига қарамасдан ана шу маҳсулотларини имконият даражасида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

1-троллейбус саройи ҳайдовчилари тоғ саҳардан 84 та троллейбусда бекатларни бир-бири билан туташтириб, 10 минг йўловчи маънавий қўлини қўлади.

Ҳўш, корхона бозор иқтисодиёти шартларида йўловчиларга қандай хизмат кўрсатяпти? Биз ма шу савол билан сарой тасарруф бўлимининг бошлиғи Собир Аббосовга мурожаат қилдик.

— Биз ходимларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиб ишлатиш ва қўшимча бекатлар беришга катта аҳамият беряптимиз, — дейди у бизга. — Тўғриси айтганда ҳозир ҳам бизга энг қадрлар керак. Бу масалани тезда барқарор этиш мақсадида ўқув комбинатимизда ҳайдовчилар тайёрлаш курсини ташкил этганимиз. Кейинги икки ой ичида 8 та ҳайдовчи сафимизни тўлдирди. Яна 12 та ҳайдовчи жамоамизга келиб қўшилиш арафасида.

Бу саройнинг ҳам ўз илғорлари бор. Корхона меҳнат аҳли бу ҳақда гап кетганда 12-йўналиш ҳайдовчиларини тилга олди. Бу йўналишда ҳафтига юрчилик устаси Абдумалик Муллақонов сардорлик қилади. У бошқаратган жамоа ҳаммаҳарларини талаб даражасида хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон метроси — Чилонзорнинг 22-мавзеси бўйлаб ўтувчи бўй орални 13,1 чакирим бўлиб, ҳар кун 12 та машина 15 та бе-

катни бир-бирига туташтириди. Моҳир ҳайдовчилар Зокир Мирзаев, Эдуард Орлов, Тошпўлат Нормирзаев, Шавкат Шосадовлар кундалик режаларини ортиги билан бажаришяпти.

* Меҳнат жамоаларида

ТУТАШГАН БЕКАТЛАР

Албатта, машиналарнинг нуқсонсиз юришини таъминлашда таъмирловчиларнинг ҳиссаси катта. Улар ҳамма таъмирлаш сифат ва самардорлигини оширишга катта эътибор беришди.

— Жамоамиз 36 кишидан ташкил топган. Улар орасида чилангар, тоғар, электрлик, баллончи ва бошқа касб эгалари бор. — дейди биз билан суҳбатда тайёрловчи бошлиғи Файзулла Файзиев. — Реостат, генератор, электр жиҳозларини созишда Виктор Кузьминдек чаққон ва билимдон

уста кам топилади. Унинг шоғирини Геннадий Зименев ҳам устозидан қўлишмайд.

Носоз троллейбусларга «жон» бағишлашда беш ака-ука Нажимидин, Хусниддин, Мухиддин, Хасан ва Хусан Намоловлар ҳам ибрат кўрсатишяпти.

Сарой матмурияти ҳайдовчиларни унумли ишлари учун қўлай шартларни яратиб бермоқда. Масалан яқинда бир гуруҳ илғор ҳайдовчиларга янги уй берилди. Бу гуруҳнинг аъзolari Аропхўжа Азизов, Фазлиддин Абдурахимов, Аҳор Кўчқоров, Тўлаған Солиқов синари ҳайдовчилар бешхўра минатдор бўлишди. Ҳозир уларнинг оилалари кенг ва ёрқин хонадонларда яшайпти.

Касаба уюшмаси фахрийлар, кўп болали оилалар, Ўлуг Ватан уруши иштирокчилари мурувват қилиб, 4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатди. 10 та ҳайдовчи давлатнинг масканларига солиқларини тиклаш учун юборилди. 20 киши сув спорти саройига бепул қатнашмоқда. Ҳайдовчиларга мунтазам санаторий ва дам олиш уйлари йўлланма берилади. Яқинда 30 нафар кичиктой ота-оналари билан Чимен ва Бурчмулла тоғ бағирларида 3 кунлик сайрга чиқди. Ҳайдовчилар ҳам ўз навбатида ҳамхўрликка яраша меҳнат қилишга ҳаракат қилишмоқда.

Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ.



Пойтахтимиз жамолга кўри қўшаётган бинолар ана шундай бунёд этилди.

Виктор Багаев сурат-лашқари.



МАЛАКАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР

Тошкент автомобиль ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўзининг 16 та филиалига ага. Уларнинг ўзун негизини боғлиқ бўлиш борасида қўриқилган тадбирлар тўғрисида бўлакан ҳар бир ҳайдовчи пухта билан малакали амалий кўникмага ҳосил қилишмоқда.

Кейинги 6—7 ой мобайнида бу ўқув даргоҳлари орқали мингта ишчи малакали ҳайдовчилар тайёрланди. Уларнинг 100 га яқини Тош-

Мев сизнинг касбу қоригини ҳам, каярда истиқомат қилишини ҳам билмайман. Шунинг учун шарқона ҳурмат юзасидан «амани» дея мурожаат этсам.

Сизни Навоий кўчасидаги савдо растанларидаги дўконлардан бирида кўргандим. Тўғри сотиб ўтирган йигитчанинг айтган баҳоси қорикчирмадими ёхуд кайфиятигизга ёмонроқми уни буралтиб сўна кетдигиз, «Ширин сўзлар»нингиздан унинг энг атрофидаги сотувчи билан ҳам бебаҳра қўлишмади. Тоға хумордан чиққан сизга қизқинчи қараб турган одамларга «Ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси олисотар, ўзича тижоратчи бўлиб кетган, пул уларни бузган, йўқ, бузиб бўлган», дея гап қотган бўлдингизда йўлингизда давом этдингиз. Тўғри тўғрилар орасидан кимдир, менимча, қирқ-қирқ беш ёшлардаги аёл эди, фикрингизни маъқуллаб дўгонасига бир нималар деганди бўлди. Ушандан бери орадан бир неча ҳафта ўтган бўлсада фикри ҳавлимиз сизда, ушан «ҳақ гап»да бўлди. Наҳотки ёшларимиз чилданда енгил-олиғ ҳаёт кечириниға руҳу кўя бошлаган бўлсалар? Наҳотки шу тадбиркорларнинг, бозорда олддаги стол устига беш-олти хил ичимлигу хоржий тамаки маҳсулотлари қўйиб олиб савдо қилаётган ўсирилларнинг пул топшидан ўзга дарди йўқ бўлса? Наҳотки...

Жавобсиз саволларим сони тобора кўпайиб кетаяверган уларга ечим топиш йўлида Чорсу, Отчопар бозорларига бордим, шаҳримиз кўчаларини кездим, ер ости йўлакларига кўним топган «савдогар»ларга ҳам суҳбат бўлдим, ҳатто улардан бирининг руҳсати билан сотувчилар ҳаёти билан яқинроқдан танилиш мақсадида бир неча соат харидорларга хизмат ҳам кўрсатдим. Қузатишларим, мулохаазаларим ҳақида батафсил ҳикоя қилишдан аввал энг қатъий, энг асосий хулосамни айтиб қўя қолай: ҳозирги ёшлар (албатта, гуруҳ ҳам кўрмасиз бўлмайди) жамиятимизда содир бўлаётган барча ўзгаришларнинг тўғри ядрок этишга иштирокчи бўлишди. Қўшимча қилишга, уларнинг иқтисодий ҳаёт-ҳодисаларга бўлган муносабати бошқачароқ, бу жиҳатдан улар 60-, ҳатто 70-йиллар ёшларидан кескин фарқ қилинади. Қисқаси, муҳтарам нотаниш амаки, фикрларингизга эътироз билдиришга руҳсат этгизин, сўзим исботи сифатида эътиборингизга қўйишга қайларини ҳавола этмоқчиман.

Отчопар бозорининг таърифи узок-узакларидан кетган. Айтайларча, бу ерда кўш сутудан бошқа настиган нарсанинг толаси. Бир замонлар Тошкент, Вухоро, Самарқанд бозорларида араб диндорларидан тортиб ҳинд руниблагарча эркин муомалада бўлган экан. Бу жиҳат билан Отчопар бозори ҳам уларга ўхшайди. Российнинг рублдан тортиб қозоқнинг тангасига, АҚШнинг доллари билан тортиб ўзбекистон сўм-купонига бўлган талаб катта. Сотувчиларнинг асосий қисмини ҳам ёшлар ташкил қилиди.

Равшан Нурмухаммедов, 22 ёшда.

— Ҳар шайба, яппайба кунлари шу ерда савдо қиламан. Ишимдан нолмайман. Чунки болаликдан орау қилардим, касбийим бево-сини одамлар билан мулоқот қилишга боғлиқ бўлишим.

— Кечирасану, олдинги хорингда

тиқилган бир неча устки кийим, уч-тўрт кўти синар, туғука ишидаги пиво ичимлигини қўйиб олиб эртадан кечгача ўтиришни касб деб ҳисоблайсанми?

— Муҳбирман дейсану, сиз ҳам баъзи бир харидорларимизнинг гапини айтасиз-а. Менга хавас деб ўйлайсизми, совуқда қотиб, ёмғир-қорда ниб ўтиришни. Режаларим жуда кўп. Ўз ишлаб чиқариш фирмасини ошмоқчиман. Лекин бунинг учун яхшигизга сармойа керак.

Равшанинг сўзларида жон бор.

кинолар деярли йўқ, борларининг ҳам савияси талаб даражасида эмас.

Қодиржон Журақуловнинг ёнида савдо қилаётган Рашид Азимов алоҳида қўйтувчи ёллаб инглиз тилини ўрганаётгани, Азим Бозор топаётган даромаднинг асосий қисминини хунар ўрганишга сарфлаётганини, қув келиб ўз қишлоб чикариш қорхонасини очиб истагиди юрғанини гапириб беришди. Суннатилла Мухторов исмли йигит эса бозор кунлари тушган пул ҳисобига яшаб ҳафтаини қолган кунлар

* «Буёқ давлат

бунёдкорлари» танловига

БУГУНГИ ЁШЛАР...

Чинданга сўнгги пайтларда ўтказилган сўрвалар ақсарият ёшларнинг хусусий қорхона очиб ишқорлар билан, лекин маблағ масаласи борлиги учун асосий тўсиқ бўлаётганини тасдиқлаётганини сир эмас. Шунинг учун ҳам улар ота-оналари, дўстларидан қарз олиб ёхуд бирор қимматли нарсаларини сотиб тушган пулни савдо-сотиқ орқали кўпайтиришга зўр беришлар.

Савдогар ёшларнинг сони беҳад кўпайиб кетганининг сабабларидан бири ҳам шунда. Лекин кўнглингиз хотиржам бўлин, ҳурматли нотаниш амаки, назарингизда пулни курақлаб олаётган ёш авлод эртадан пул маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлабди. Менга шу кунги ҳамсуҳбат бўлган Нодирбек, Азизжон, Дилшод исмли йигитларнинг нияти бу. Қўлаверса, ҳеч қачна вақт ўтмай даврининг ўзи шунини талаб қилиб қолади. Ёнг руҳланган давлатлар таракқийи бунга исбот, Яна бир сўхбатдошим 25 ёшли Қодиржон Журақуловнинг шу ҳақда фикрларидан қўлоқ солинган.

— Ёнг машхур мажор фирмалари тарихи билан танишадиган бўлсан, уларнинг ақсарияти дастлаб ишчи савдо-сотиқдан бошлаганини кўриш мумкин. Чунки ҳар қандай тадбиркорнинг оёда собит туриб олишида моддий жиҳатининг рўли катта.

Қўлаверса ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда маҳсулотнинг зинмага олишдан аввал савдода суғатишни қотириб олган маъну.

— Кейинги пайтда ёшларимизнинг илмга бўлган қизиқини сўниб бормоқда, деган гапга қандай қарайсан?

— Аниқсиз, келажакнинг йўлларини йигитлар ўқийдиган замонлар «энди келди, ўзгариш қиёс». Тадбиркорнинг кўл урганидан бери бугунги ҳаётдан оранда қолмай деб деярли барча газеталарга обуна бўлдим, илгари китоб ўқиниға хушим йўқ эди, энди иқтисодий, тарихий мавзуларга асарларни топиб ўқиш беш баравар қимматли сотиб олиб бўлсада мўталоа қилишга Афсуски, ўқиб тилида иқтисодий мавзуларга илмий-оммабон

рида шахримизда очилган тадбиркорлик мактабларидан бирида ўқитганини айтди.

Нотаниш амаки! Сизнинг диққатингизни сўхбатдошимнинг бир овоздан маъқуллаган фикрларига қаратмоқчиман. — Биз, — дея эътироз этишди улар, — Ўзбекистон иқтисодиётининг келажакимиз, назария ва амалиётини қўлиб олиб бораётган авлодимиз. Ота-боболаримизга ёшларидан ваъда қилинган (аммо улар учун қарат қўзғилишга қолган) порлоқ келажакни яратувчиларимиз. Аниқроғи, биз қадрининг захрини чекмаган бол қадрининг билмас, деган ақойиб налға амал қилаётган ёшларданми.

Бу сўзларини мен ўйлаб топганим ҳам йўқ, йигитларнинг мулоҳазаларига ўзимча «ишлов» ҳам берардим, сўхбатдошларимнинг ҳам атайиб таълимади деймайман.

Ҳурматли нотаниш амаки! Балки сиз оқорда нисол тариқасида келтирилганга асосан ҳеч қандай босқинчилик асосан йилларку, талабаларнинг ақоли-чи, дериш? Тўғри, оғир иқтисодий аҳвол олий ўқув юртилари талабаларининг моддий шароитига қатъий зарба бераётди. Қўлаб мактабларимиз, ўрта махсус билим юртиларининг аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Ёдингизда, 80-йилларнинг биринчи ярмида соёқ Иттифок ҳукумати умумтаълим мактабларида ўқитишни ислоҳ қилиш таъаббус билан чиққан, тан олиш керакки, қабул қилинган қарорда қўлаб тахсинга сазовор режалар — синф хоналарини фантехниканинг сўнгги намуналари билан жиҳозлаш, барча ўқув масканларини компьютерлар билан таъминлаш, хунар-касб ўргатиш босқинчилиги. Аввалги шов-шувлар ила бошланган ислоҳотлар билан қўлаб бўлсада, умуман олганда таълим тизими ўша-ўша қолаверди. Олий ўқув юртилари ислоҳоти қороздан нарига ўтмади. Фақатгина 90-йилларнинг бошларида соёқ СССР республикалари

ни ишлаб чиқиш юзасидан махсус комиссия тузилди, унга турли фан вакиллари қўшилди. Ўшан педагоглар қалб этилган. Бундан ташқари олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида «Гуманитар таълим асослари» курсини ташкил этиш ҳам эътиборимизда турибди.

— Олий таълимдаги назарий ўзгаришлар кўпайиб қувонтиради. Шу билан бирга унга миқдорий ўзгаришлар ҳам уйғулашган бўлса керак? Яна бир савол: ушбу ислохотларнинг моҳияти нимага асосланган?

— Олий таълимнинг ўқув дастурида олиб борилаётган гуманитар фанлар салмоғини ошириш ишлари миқдорий ўзгаришларга нисбатан бўла олади. Масалан, илгари таълим мутахассислар текшириш олий ўқув юртилари, университет ва педагогика институтларининг таълим фан факультетларида ижтимоий-гуманитар билимлар бериш 25 фоиздан ташкил эларди. Ҳозирги вазифамиз ана шу рақамни 35 фоизга етказишдир. Бу борада ижтимоий-гуманитар соҳалардаги 35 фоизни эса 45—50 фоизгача кўтаришимиз мекрак. Шу билан бир қаторда айрим фанларнинг ўқитиш доираси кенгайтирилди. Мантиқ, руҳшунослик, сёвсатшунослик, социология фанлари эндиликда нафақат филология ва фалсафа факультетларида, балки деярли барча олий ва ўрта махсус ўқув юртилари дастурига кириштирилди. Маданиятшунослик ва ҳуқуқшунослик фанлари ҳамма олий ўқув юртиларида, ҳатто техник мутахассисликка ўқитиладиган институтларда ҳам бирдай ўқитилиши. Аҳоли ва нафосат фанларини ўқитиш соатлари эса кўпайтирилди. Бунда ташқари барча олий ўқув юртиларида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича синов ва имтиҳонларни фақат тест ва рейтинг усулида ўтказиш мўлжалланмоқда. Олиб бориладиган ислохотлардан асосий мақсад ёшларимизни олий ўқув юрти оstonасидан юқори ахлоқли, зукор билимли мутахассис сифатида чиқиб кетишларини таъминлаш, уларда ватанпарварлик, халққа меҳр туйғусини шакллантиришдир. Шу билан бирга келажак авлод оғтинги миллий мустақиллик мафкуралига қўналтиришдан иборат.

Суҳбатдош
Абдумалик
АБДУРАХИМОВ.

Олий таълим тизимидagi туб ўзгаришлардан хабардор бўласиз керак. Қўлаб институтлар университетларга айлантирилди, уларнинг ҳар бири хориждаги илм ўқорлари каби йирик мустақил даргоҳ бўлиш орузида фаолият кўрсатмоқдалар. Талабалар ҳам оқсига қайтмасини мукорар иқтисодий ўзгаришлар умуман қирғоқларидан чор-чорор қилиб кетмасин учун, етук мутахассис бўлиб етишиш учун жонни жаборга бериб ўқиб доимлигини аниглаб етдилар.

Излаган имкон топади. Нотаниш амаки! Қўлоқ тутини, Тошкент Давлат университетининг табиий бирикмалар қимёси факультети илмий жамоаси «Лагос» номли кичик қорхона очди. Илаланилар беҳуда кетмади, кичкинагина жамоа томонидан муттасил равишда қор кетганда нисон ҳаётини сақлаб қолдиш имконини берадиган дорикашф этилган. Уни ўш уч давлат, жумладан АҚШ, Япония, Германия, Франция сотиб олган. Бундан ташқари кечки билан талабалар ташкил этган «Тегирмон» кичик қорхонасида саломатлик учун ўта зарарсиз бўлган, кимий моддалар қўшилган плиталар тайёрлаш йўлига қўйилган. Бундай илаланилар физика, биология, география факультетлари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари томонидан ҳам кенг қўламода олиб боришмоқда. Ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Ёшлар Иттифқининг Тошкент шаҳар қомитети ҳам баҳолан қудрат чора-тадбирлар қўлати. Ҳозирда шаҳримизнинг олти тизимда ҳаётини ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жамғармалари ишлаб турибди. Ҳамма тумани Ёшлар Иттифқониди эса ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси очилган.

Ёнг муҳими Тошкент шаҳрида «Талабаларнинг ҳамкорлиги ва тадбиркорлик қонунлари» фаолият кўрсатмоқда. Унинг бир неча кичик қорхонаси, талабалар биржаси мавжуд. Бундан ташқари қонери пойтахт қорхоналарининг айримлари билан ҳамкорликда талабаларнинг ўқитишдан бўш вақтларида ишлашлари учун махсус тикун цехлари ташкил этилган.

Нотаниш амаки, тўғриси, Сизга айтадиган гапларим жуда кўп эди, уларнинг баъзиларини маънобидан ўрин олиб, насиб қилса бу мавзуга ҳали кўп қайтамиз. Чунки ёшлар жамиятининг таълини, унинг келажакка элтувчи кучи.

Келаси ақлини ёшлар ишқорчи билан шов-шувлар чоғда улар қолар ҳам олдимида тиза қўякан. Сиз бунга нима дейсан, нотаниш амаки?

Шуҳрат АРМОН.

© Таллов ҳомиеси — Ўзбекистон Ёшлар Иттифқони Тошкент шаҳар қомитети.



Баҳор байрамингиз муборак бўлсин, азиз опа-сингиллар!



* Хотин-қизлар кенашлари фаолиятдан

УЛАР МУХАНДИС БЎЛАДИЛАР

Биз муҳандислар деганда кўпроқ эркаклар касбини тушунишга одатланган бўлишимиз шундан келиб чиқиб, бу ерда асосан қизлар ўқишди. Улар бўлажак муҳандис-педагоглардир. Қизларимиз олий маълумотли бўлган, институтимизда, Тошкент аграр университетида, техникум ва коллежлар, ҳунар-билим юртиларида ўқитувчилар қилишлари мумкин.

Шунингдек, институтинг ер тузиш ва гидрометеорология факультетларида ҳам талабаларнинг кўпчилигини қизлар ташкил этадилар. Келажакда улар лойиҳалаш институтлари, бўғимлари, лабораторияларида муҳандислик қиладилар.

— Бу бўлажак муҳандисларга билим бераётган профессор ва ўқитувчилар орасида ҳам хотин-қизлар кўми? — Педагогик-жамоамизнинг қарийб 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида икки нафар профессор ва 28 та доцент бор.

— Оз эмас, — дедим эътидан Санобар Абдураҳмонова. — Шундай экан, институт хотин-қизлар кўмитаси олдида ҳам катта вазифалар турган экан-да?

— Биз бўлажак муҳандислар учун чуқур билимни, кенг мушоафадани, мутахассис бўлишнинг ўзи камлик қилди, деган фикримиз. У бугунги кунда институт толибаси экан, эртага оид бекаси, она бўлишини ҳам асло эсдан чиқариб бўлмайди. Яхши ташкилотчи ва ташаббускор М. Эгамбердиева бошчилигидаги институт хотин-қизлар кўмитасининг бутун фаолияти уларда ана шу вазифаларни шакллантиришга қаратилган.

Айниқса илми толибаларнинг бўш вақтини сермазмон ўтказиш диққат марказида. Таниқли адиблар Абдулдулла Орипов ва Ойил Ёқубов, ҳушовоз хонадалар Ортиқ Отамонов ва Насиба Абдуллаева билан учрашувлар уларни эстетик руҳда тарбиялашга хизмат қилган бўлса, институтдаги ўзбекистон тарихи, маданият, шуносини, чет тиллари кафедраларидаги машғулотлар улар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган.

Муҳандислар тайёргилигида институтда ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг фаолият кўрсатаётганини ҳам диққатга сазовордир. Демак, илми толиблар учун аниқ фойдаланиш ўзи камлик қиларканда.

Ха институтимиз ректори С. Ибодуллоевнинг ўқув юртимизда давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга оширишга қаратилган қарорига мувофиқ ҳозир барча иш юритиш ҳужжатлари фақат ўзбек тилида тузилади. Русчадан ўзбек тилига ва ҳодимларнинг давлат тилига ўргатиш бўйича ҳам машғулотлар ташкил этилди.

— Хотин-қизлар кўмитасининг педагог аёллар ва талабаларга кўрсатган ҳамжўрликлари ҳақида ҳам гапириб берайми.

— Кўмитамиз ташаббуси билан кўп болали оналарга яқинда 15 минг сўмдан молиявий ёрдам кўрсатди. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан фаолларга совға-саломлар улашди. Хотин-қизларимиз учун «Чин обод», «Ботаника» оромгоҳларига имтиёзли йўлнамалар ҳам берилади.

Ориф ЖУМАЕВ.

* 1994—Оила йили ОДОБГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Чилонзор тумани кенгаши туман хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда Оқтобдаги хотин-қизлар педагогика билим юртида Халқаро оила йили муносабати билан «Одоб-ахлоқ — инсон зиннати» мавзусида адабиёт-бадиий кеча ўтказди. Кенгаш билим юрти қизларидан ташқари тумандаги 4 та маҳалланинг хотин-қизлар кенашлари раислари ҳам тақдир этилдилар.

Кечада шахар хотин-қизлар кенашининг раисаси Муборак Юнусжонна «Одоб-ахлоқ оилалар бошлангичи» номлиги номдаги педагогика олийгоҳи ўқитувчиси, Думбирофдаги «Халқлиқ хотин-қизлар кенашининг аъзоси Муассар Мирҳамидова «Оила ва унинг аъзоларининг бурчи» туман хотин-қизлар кенгаши раисаси, педагогика фанлари номзоди Озода Эшонжонна «Меҳр-муҳаббат — инсон зиннати» Ўзбекистон ХДПТ туман кен-

ташнинг 4-ўрам «Оила» Людмила Облова «Оила — соғлом алоқадорлик пайдоқилиши» мавзусида гапирдилар.

Хар бир сўзга чинқувчилар оралигида педагогика билим юртининг Хумора Эрназарова, Нодира Йўлдошева, Лобар Ходимов, Дилором Холмқова, Гулнора Турғунова, Гулнора Алибекова, Маънува Болибекова, Дилфўз Ашрапова, Зулфия Исмаилова сингари талабалари ижросидаги қўшиқ ва рақслар, шеърлар тўпланганларга манзур бўлди.

Маҳалла хотин-қизлар кенашларининг раисалари ўз маҳаллаларида ҳам ана шундай Халқаро оила йили муносабати билан қизларни тадбирлар ўтказмаганини, унга хотин-қизлар фаолларини кўпроқ жалб эта-жанини билдирдилар. Бу шубҳасиз Мустиқлигимизни мустақамлашда оиланинг роли бекиб-қилини билдирди.

Худойназар ГОЙИБОВ.

Аёл бахтининг тўқиллиги нима? Унинг гўзаллигида, оила тотулиши, қалб қўри, кўз нури бўлган фарзандлар камолотидаги ёки меҳр берган, ардоқлаган касби, у орқали эришган обрў-эътибориди? Биз ана шу ҳусудда Миробод тумани халқ таълими бўлимининг мудири Бахрииса Ўйратқулова билан суҳбатлашдик.

— Хар ким дунёни ўз қўли билан қўриди, дейди у. Шахсан мен аёлларда ҳамма эзгу фазилатлар мужассам бўлсин дейман. Назокат, лафозат, шарқона ҳаё, ибод, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, жасорат, шижоат бўлса хар қандай аёл сиз билан биз айтаётган бахтиёрликка эришди.

— Бахрииса опа, мана сиз каттагина жамоага раҳбарсиз. Қолаверса ўзининг ҳам мураббийсиз. Айтингчи татлим соҳасида аёл ўқитувчи билан эркак ўқитувчининг таъсир доирасини ажратиб, фарқлаш мумкинми? Умуман ўқувчиларга кўпроқ қайси ўқитувчиларнинг таъсири кучли?

— Агар маълумингиз бўлса ҳозирги пайтда халқ таълими соҳасининг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил қилади. Бизнинг Миробод туманида ҳам худди шундай. Энди уларнинг ўқувчилар эътиборини торта олиш жиҳатини кўздан кечиришга бўлсак, эркак ўқитувчилар қаттиққўрқор, талабчонроқ бўлишади. Аёл ўқитувчиларга эса кўпроқ кеңиришлик, кўнгилчаллик хос. Уларнинг ҳисси болаларга

яқинроқдир. Шундан бўлса керак аёл ўқитувчилар билан болалар тез тил топишади.

— Раҳбар сифатида ўқитувчилардан биринчи галда нимага талаб қиласиз?

— Татлим гўзаллигини, ўқувчининг эътиборини тортидан энг биринчи нарсаси муаллимнинг ташқи кўриниши, кийиниши, ўзини тутиши. Болалар одатда гўзаллик, яхши кўрадилар. Баъзан ўқувчининг ўқитувчига бўлган ихлоси, ҳурмати ана шу дастлабки

ганлар. Бундай аёллар ақлли, фазилатли билан бирга фарзанд тарбиясида, рўзгор туттида бошқаларга ўрнак бўлганлар. Агар шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, аёл ўқитувчилар ҳам хар томонлама ўрнак бўлиши лозим деб ўйлайман. Шу мақсадда биз туманимиз мактабларида аёл ўқитувчилар билан биргаликда тарбия боради, аёниқса, миллий ўрф-одатларимизни тиклашда талайгина ишлар қилдик. Хусусан, ўзбекона анъаналаримизни ўзига жо қилган

ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР ЁР БЎЛСА

кийишидан бошланади. Бола таълимдан бўлади. Майли у ўша ўзи ётирган ўқитувчига тақдир қилиб кийиниши. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Энг муҳими фарқлай билади.

Аёл ўқитувчининг мактабда, қолаверса оилада, маҳалла-қўйда ўрни сизингча қандай бўлиши керак?

— Қадимдан момоларимизнинг орасида матрифатли, оқила аёллар кўп бўлган. Ўқиниши яхши билган, муқаддас китоблар, шаръ адабиёти дурдоналаридан хабардор бўлган отин оилалари айнақча ҳамма ҳурмат қилган. Аёллар улардан турди соҳаларда маслаҳатлар ол-

«Қайнона — ҳам она». «Оила шамлидан бўлади. Майли у ўша ўзи ётирган ўқитувчига тақдир қилиб кийиниши. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Энг муҳими фарқлай билади.

Аёл ўқитувчининг мактабда, қолаверса оилада, маҳалла-қўйда ўрни сизингча қандай бўлиши керак?

— Қадимдан момоларимизнинг орасида матрифатли, оқила аёллар кўп бўлган. Ўқиниши яхши билган, муқаддас китоблар, шаръ адабиёти дурдоналаридан хабардор бўлган отин оилалари айнақча ҳамма ҳурмат қилган. Аёллар улардан турди соҳаларда маслаҳатлар ол-

* Санъатимиз фидоилари

ОЛАМДА ГУЛЛАР ЯШАР

Эвб берди. Бу қўшин радио орқали болалар учун тайёрланган эшиткирида илк бор инграгайда Гулшан тенгдошларидан келган хатларни ўқиб адо қилмасди. Аканси, таниқли бастакор Тельман Ҳасановнинг «Дилрабо» дан бу чирой» деган янги ашулеси зангори экан орқали ёш хонандани республикамиздаги санъат ихлосмандларига таништирди.

Гулшан Ҳасанова дастлаб Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, кейинчалик Мухтор Ашрафий номи Тошкент давлат консерваториясида таҳсил қўрди. Унинг қўшиқларини санаб саногига етиш қийин. Сулаймон Юдаков, Матвеев Юсупов, Доин Зокиров, Сайфи Жаали, Ҳабибулло Раҳимов, Турсун Азимов, Раҳматон Турсунов, Ҳаҳрамон Комилзо, Замира Миромолмова каби унлаб бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова сингари ўзбек қў-

АНЪАНАГА АЙЛАНМОҚДА

Сергели туманидаги «Сирдарё» кафедаги туман ҳаётида фаол қатнашаётган хотин-қизлар учрашди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташаббуси билан ўтказилган бундай тадбир туман миқёсида учинчи бор ўтказилди. Унинг иштирокчилари турли касб эгалари, турли миллат вакиллари.

Учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби Ёқубхон Исҳоқова яқинлашган баҳор байрами — халқаро Хотин-қизлар кўни 8 Март муносабати билан қўтлади ва уларга бахт-саодат, ишлари раванг тилди.

Ўзбекистон Давлат филармонияси «Лаэги» вокал-чол-

гу ансамбли шўх рақсларини республикада хизмат кўрсатган артистлар Султоншоша Удаева, Раҳматон Қурбанов ва бошқалар ижросидаги куй ва қўшиқлар дилларини яратди. 566-болалар богачси тарбияланувчиларининг қийинчилиги эса бу учрашувда алоҳида фойда ва ҳушқўчақлик бахш этди.

Учрашувда бир гуруҳ аёлларга тағтилани равишда партия билетлари, туман ҳокимлиги ва партия кенгаши номидан фахрий ёрлиқлар топширилди. Тадбир қатнашчиларининг барчасига эсдалик совғалари ҳам берилди. Куй куйга, рақс рақсга улашиб кетди.

Махшур МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



Боланик — бахтиёрликдир, ун баҳорсиз, баҳор гулларини сиз тасаввур этиб бўлмайди. Равиля Альбеков сурат-лаҳаси.

ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАНГ

Аёллар байрами ва баҳорнинг келиши муносабати билан Республика кийимлар модалари уйи жамоаси бир неча кўринишдаги янги либослар замоналарини тайёрлади. Асосан мамлакатимиз таълимчилик қороналарида чиқарилаётган ипақ газламалардан тикилган костюм қўйилган, ип газламалардан баҳорги юбкалар, уйда кийиладиган халатлар тикилмоқда. Шунингдек, миллий матолардан бекирик, чиройли куча ва иш кийимларининг бир неча андозалари олинди.

Булардан ташқари кечаларга, турли хил тағтилаларга ўзига-ўзига бахш этуни байрам либослари Понсе-

тон давлатидан келтирилган нафис матолардан тайёрланди. Бу либослар чиройли, замонавий бўлиб, хар қандай аёлни янда жозибали, лафозатли қилиб қўрсатади.

— Биз шунингдек эркакларимизни ҳам эсдан чиқарганимиз йўқ, — дейди модалар уйи баш мухассисси Н. Муҳамедова. — Уларга атаб Наманган ип-газлама комбинатидан чиқатган полизмат матосидан кўйлақ, шиллар тикимиз. Истаимизки хар қандай шароитда ҳам аёлларимиз гўзаллигини, назокат ва лафозатини йўқотмасин.

Нягора САИДОВА.

«ИЖОДКОР» ДАВРАСИДА

Биз халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Тошкент шахар хотин-қизлар комитетининг раиси Муборак Юнусжонна билан учрашдик, кўпгўр айёми муносиб кутиб олиш учун қўрилган тадбирлар ва белгиланган тадбирлар хусусида суҳбатлашдик.

— Муборак опа, аввало сизни яқинлашиб келётган байрам билан қўтлаймиз.

— Раҳмат.

— Маълумки, анжодларимиз азал-азалдан аёлларга нисбатан чуқур ҳурмат, юксак меҳр-муҳаббат билан боқиб келишган.

— Фикрингизни тўғри айтганда, чоғи. Жамиятимизнинг ҳозирги босқичида аёл — она — келмак бунёдкорлари бўлган инсонга, ун ижтимоий қимос қилишга давлатимиз ҳозир ҳам ижодий эътибор бермоқда. Муборак айёми кўтерини кайфиятда ўтказиш мақсадида шахримизнинг хар бир туманида, қорхона ва маҳаллаларда байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилди. Хусусан ҳам таъминланган оилалар, кўп болали ва ногирон аёлларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш диққат-эътиборимизда. Поиттаҳимиздаги фахрий ва фаол аёллар билан талаба-ёшлар, мактаб ўқувчиларининг учрашувлари ташкил этилмоқда. Бунда комитетимиз қўшмадаги «Ижодкор» аёллар уюшмасининг тугган ўрни бекибс бўлаётди.

— Кейинги пайтда аёлнинг оила, маҳалладаги ўрни ҳақида кўп гапирилапти. Бунинг босис нимада?

— Бу йил Халқаро оила йили деб эълон қилинган. Оиладаги тотулиш, ҳамжўрлик кўз жихатдан аёлларимизга боглиқ. Шу бос оила мустақамлигини таъминлаш, оиланинг илтимизининг маҳалладаги обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор берайми. Байрам кунлари маҳалла ва маъналарда талайгина хайри ишлар ташкил қилинаётгани кўнчаллик ҳолдир. Фаол аёллар кўмагида поиттаҳимизнинг кўпгина маҳаллаларида «Она — меҳр булоғи», «Ифрат ва назокат» — гўзаллик белгиси каби мавзуларда давра суҳбатлари, кечалар ташкил этилганлигини айтиб ўтмоқчиман.

Байрам кунини Ўзбекистон «ойна» жаҳони орқали «Сиз борки...» деб номланган кўрсатув тадбириномизда. Бундан ташқари республика хотин-қизлар комитети билан биргаликда айёми бағишлаб катта тантана ташкил этишнинг режалаштирилди.

Дин ОРОМ.

* Миллий либосларимиз ЗЕБО БЕЗАКЛАР

ҚАДИМДАН аёллар нафакат ола, балки хонадон соҳибаси, кўрқ, чиройи сифатида ҳам қадриланган. Бадавлат эркаклар умр кўйдошларини оидла ёш кийимда бир марта эмас, хатто хар кун турли хил кийиниб, ўзларига оро беришини хоҳлаганлар. Зеб-зийнатлар, тақинчоқлар, ҳусна ҳусн қўшувчи кийим-кечакларнинг энг лозиматлиги ҳам аёлларимизга богиланган бекиз эмас.

Аёлнинг беэзаниши илк бор шох саройлари, бой-бойвачаларнинг хонадонларида расм бўлган. Турли хил зебу зийнатлар ҳам шу жойларда кашф этилган. Масалан, Қўқон хон хонадониси жорий қилган бўлса, Бухоро амири 2 минг йилдан эвб вақтдан бери эътибордан четда қолиб келган зардулқини тараққий эттириб юборган. Кези келганда шунини айтиб ўтиш керакки, аёлларнинг ҳуснига ҳусн қўшувчи келатпўшак, пешонабанд, зах-қурта каби миллий либослар азалдан ўз қадр-қимматини толиб келпти.

Келатпўшак — аёлларнинг бош кийими маъносини англатади. Дўппига ўхшаш бир тарафи бошга кийилса, қолгани белга тушганда қад-қоматга ярашқини бир чирой кашф этиб туради. Авваллари

сочини ёймай, ўриб, мана шундай келатпўшак деб аталуши бош кийимда юриш одат тусига кирган. Бу либос кийимат-баҳо баҳмал, шой ва матолардан тикилиб, табият меназаралари акс этган нақшлар билан безатилади. Шунини ҳам борки, бу кийим бош ва бўйинни шомоллашдан сақлаб келган. Пешонабанд шу бош кийимнинг давоми бўлиб, бу либос пешонага эркаклар селласига ўхшатиб, айлантирилиб, маҳкам тангич қилинган. У пешонани иситида, шу билан бирга зарҳал, безаклари аёл кишини янада кўркам қўрсатади.

Зеҳи-қурта деб аёлларнинг матога кашта тикилган камарларига айтилади. У шох, амир ва бошқа бадавлат кишининг умр кўйдошларида бўлиб, миллий кийимларига жуда ярашар, қад-қоматини ихчам, ҳушбичини кўрсатарди. Эркаклар камарига ўхшаш кумуш, тилла илгалари бўлса ҳам ёқут, марварид, қадма нақшлари ҳамда ҳошиялари аёлларга хослиги билан фарқ қилади.

Бундай либослар ҳозирги кунда ҳам аёлларимизнинг турмушига кенг кириб бора мақсада мувофиқ деб ўйлайман.



Махмуд РАМАЗОН ўғли.

Аёлнинг мезониди — онанинг, наники онанинг, балки ҳаётнинг мезонидир. Юзидан ҳаё аралаш табассум балки турган, эгиндаги либоси ҳуснини минг чандон эвб қилиб намоён этган дилбар хар қандай юракни туйғуллар ила безайди. Бу туйғу эса айла эҳтиром, муҳаббат туйғусидир.

Козимжон Улмасов сурати.

Бўладиган бола бошдан маълум деган гап бор. Бизнинг қаҳрамонимиз Сардорни эса кўпчилик санъаткор бўлади, дейишади. Бунга асос бор, албатта. Қачон қораманг, у ўзича телезор кўчи радиодан эшитган қўшиқларини хўргий қилиб юради. Қўшиқни тўса мусиқа асбоби қилиб чалади. Яхшигина овози бор.

Сардор беш йаша. У Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шахарчаси Аллеа кўчасида яшайди. Оилада тўнч фарзанд. Ота-ониси Азиз ва Қомол. Махмудовлар Сардорни бх ҳаракатчиллиги, қобилиятини кўриб, баъзан ўзлари ҳам ҳайратда қоладилар. Чунки бир марта эшитган мусиқа оҳангини эслаб қолишга ҳамма ҳам қодир эмас-да.

* Боланик боғи ҚЎШИҚЧИ САРДОР

— Сардор, катта бўлганимизда ким бўласан? саволга тўтдиқ уни.

— Билмадим, ҳали ўйлаб кўрмаганман.

— Нимани ахши қўрсан?

— Самоқатда учини, доира чалишни, ана шайфолани. Сиз билмайсизми қишда ҳам шайфолани унинг ичиде ўстириш бўладими? — саволга савол билан жавоб қайтарди у.

— Йўқ.

— Нега?

— Чунки унга ердан озуқа, ана хава, қўш нури керак. Унинг томоркада деганде ардом берасанми, дейман-да?

— Ҳа, баҳорда, эзда дадам никиламини томоркада ишлайми. Сарвар ҳам бизга қўшмоқчи бўлади. Дадам қўймайди. Чунки ҳали у кичкина.

— Сенчи. Катта бўлишни хоҳламайсизми?

— Нима десам экан, ахшида. Укам меннинг гапимга қулоқ солади. Кейин катта бўлсам мактабга бораман. Дадам мактабга борганимда рубоб билан доира олиб беришди. Ҳозир кўлим кичкиналик қилган, тўричи чалишга. Мультифильм қўрсанми?

— Қўрсан. Бўш вақтимда.

— Э, сенинг банд вақтинг ҳам борми?

— Ҳа, укамга қарайман, оламга ёрдамлашаман.

— Кўчада ҳам ўйнайсанми? Яқин ўртоғинг ким?

— Уйнайман. Ану Шохрух Борку! Уша ўртоғим.

— Бизга ҳам бирорта шайрми, қўшиқчи айтиб бер.

— Доира йўқ, шунинг учун столи чаламан-да.

— Майли, бўлверадир. Сардор бизни бир неча қўшиқ шайр билан сийлади. Унинг хатти-ҳаракатларини кўзатиб тоқ улагани, тоқ кулган ониси. Қомолга олгани ҳам суҳбатга тортди.

— Сардорнинг тарбияси билан кўпроқ шуғулланган, — дейди у. — Хар бир нарсани ёнига олиб ўргатади. Отаси хан у билан худди катталардай гаплашади. Бўш қолди дегунча чалаганини, хон-тахтамини, лаганини чалиб ашула айтади. Кулишиб, ашулачи бўлсан шонили, дейми. Майли ким бўлса ҳам аввало соғ-саломат ўсин, одам бўлсин, эл-юрт қорига ярасин дейми-да биз.

Бундай олиб қараганда Сардорнинг бошқа болаларига нисбатан катта мақсада мувофиқ деб ўйлайман.

Шунинг учун маколани ўқиган муштарилар бир-о таажжубланишлари ҳам мумкин. Сардордай қобилиятли болалар шахримизда истасанга топилади. Мўҳим болаларга истасан, ҳоҳиш, қобилиятини аниқлаш ишларини маънавий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Балки санъатимизнинг таниқли намоёндалари ўша Наби Раҳимов, Гани Азамов, Сора Эшонўраева, Ҳалима Носирова, Мухаррама Турғунова, Орфи Алмаҳамидов, Ёлтоҳхон Мамадуллоевлар ва бошқалар ҳам бир нақтарлар ўзларини қўшиқ хўргий қилиб, рақс тушиб, аския айтиб одамларни қуддиринганлар.

Бугун қўшиқ тушган нарсани чалиб қўшиқ айтган Сардордай болалар эртага келиб улус санъаткорининг ўрнини эгаллайдиган ҳаққий истеъдод намоёндалари бўлиб өтишишга не ажаб. Ахир, болаларимиз ҳи дастлабки натижалар буюк ишлар маҳсулини беради. Шунинг учун уларни асраб, авайлайлик.

Назира ҚЎРБОН қизи.

